

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ФОИЗ РИСКНИ БОШҚАРИШГА БЎЛГАН
НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ ЁНДАШУВЛАР (АҚШ МИСОЛИДА)**

Сеитназаров Данияр Бахадирович

Инновацион технологиялар университети мустақил изланувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада АҚШ даги тижорат банкларида фоиз рискин бошқариш муаммолари билан шугулланадиган ташкилот, тадқиқотчи ва консалтинг компаниясининг бу борадаги ёндашувлари таҳлил қилинган ҳамда ушбу ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: фоиз рисқи, тижорат банклари, бошқариш, фоиз ставкаси, консалтинг, компания.

Тижорат банклари операцион фаолиятининг асосий даромад манбаи – бу улардаги “банк маржаси”, яъни депозит ва кредит фоизлари ўртасидаги фарқ бўлиб, шунинг ўзи тижорат банклари учун фоиз рискин бошқариш қанчалик даражада муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Бу борада дунёнинг деярли барча мамлакатларида алоҳида ташкилотлар ҳамда эксперт ва тадқиқотчилар фаолият олиб боришаётган бўлиб, биз ушбу мақолада энг ривожланган мамлакатлардан бири бўлган АҚШ да тижорат банкларида фоиз рискин бошқаришга бўлган назарий-амалий ёндашувлар хусусида қисқача тўхталиб ўтамиз.

АҚШ тижорат банкларида, бошқа кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар сингари, фоиз рискин бошқариш амалиётига юқори даражада эътибор қаратилиб, мамлакатда фаолият кўрсатадиган Федерал депозитларни суғурталаш корпорацияси (FDIC - Federal Deposit Insurance Corporation) томонидан берилган кўйидаги таърифнинг ўзи ҳам фикримизнинг яққол исботи бўла олади: “Фоиз рисқи - бу банк фаолиятининг нормал (одатий) қисми бўлиб, у даромадлилик ва акциядорлик қийматининг муҳим манбаи бўлиши мумкин: бироқ, ҳаддан ташқари юқори фоиз рисқи банкларнинг даромадлари, капитали, ликвидлиги ва тўлов қобилиятини хавф остига қўйиши мумкин. Шу сабабли, самарали сиёсат ва рисқни бошқариш жараёнлари орқали фоиз рисқида дучор бўлиш хавфини аниқлаш, ўлчаш, мониторинг қилиш ва назорат қилиш муҳимдир” [1].

АҚШ лик тадқиқотчи Жон Стефенс тижорат банкларида фоиз рискин бошқариш бўйича ҳар томонлама асосланган фикрларни билдирган бўлиб, қўйида уларни келтириб ўтамиз:

Тижорат банкларида фоиз рискин бошқаришни автоматлаштириш. Автоматлаштириш реал вақт режимида маълумотларни йиғиш, ахборот панелларини яратиш ва маълумотларни батафсил олиш каби имкониятлари билан фоиз ставкалари тўғрисидаги маълумотлар ва баҳолашларнинг яхлитлигини сезиларли даражада ошириши мумкин. Модернизация қилинган бошқарув ахборот тизимлари, яъни маълумотларни чиқариш, ўзгартириш ва юклашнинг автоматлаштирилган тизимлари

(ETL – Extract, Transform and Load) маълумотларни осонлик билан ишончли ресурсларга айлантира олади ва банкларнинг асосий маълумотлар базасига юклайди. Бундай батафсил ҳисобот менежмент стратегиялари ва рискни қабул қилиш чегаралари билан банкнинг рискка нисбатан белгиланган толерантлик даражалари ва фоиз riskини бошқаришга бўлган умумий ёндашуви ўртасилаги ўзаро мувофиқликнинг таъминланишига кўмаклашади.

Стресс-тестлар ёрдамида фоиз riskларини бошқариш. Тижорат банклари фоиз riskи бўйича ўз позициясини тўлиқ баҳолаш учун ўз тузилмаларида технологиялардан имкон қадар стресс-тестлар билан бирга фойдаланишлари керак. Хусусан, депозитларни моделлаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, бунинг боиси шундаки, депозитлар тижорат банкларининг асосий молиялаштириш манбалари ҳисобланади. Фоиз ставкаларининг ўсиши аниқ режалаштирилмаса, тижорат банклари катта йўқотишларга дуч келиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун улар молиявий стресс-тестларни мунтазам равишда ўтказишлари керак бўлиб, бу нафақат раҳбариятни хабардор қилиш, балки назорат органлари ва манфаатдор томонларнинг кутилмаларига мувофиқ келиш мақсадида ўз молиявий кафолатларини мунтазам равишда баҳолаб боришлари учун ҳам зарурдир.

Фоиз riskларини хеджерлаш. Бугунги юқори фоиз ставкалари шароитида банклар ўз хеджерлаш стратегияларини оптималлаштиришлари керак. Бунинг учун тижорат банкларига пухта молиялаштириш режаси стратегиясини ишлаб чиқиш тавсия этилиб, бундай стратегия хеджерлаш учун харажатларни сақлаш ва бир вақтнинг ўзида молиялаштириш учун харажатларни қисқартиришга аниқ мослаштирилиши керак. Бундан ташқари тижорат банклари фавқулодда вазиятлар, яъни кутилмаган ҳолатлар бўлганда яхши ҳужжатлаштирилган молиялаштириш режасига ҳам эга бўлишлари керак бўлиб, бу уларни кутилмаган таҳдидлардан бўладиган йўқотишларни қоплаш учун етарли даражадаги муқобил капитал манбаларига эга бўлишларини кафолатлайди. Тижорат банклари ушбу режани жорий иқтисодий шароитларга мувофиқ равишда янгилаб туришлари керак.

Банкнинг келгусидаги фоиз riskларини бошқариш. Иқтисодиётда кузатилаётган тебранишлар тижорат банклари ва назорат органларининг фоиз riskи тўғрисидаги хушёрлигини оширган бўлиб, улар энди Федерал резерв тизими (Federal Reserve System, яъни АҚШ даги марказий банк тизими) фоиз ставкаларини оширадими ёки барқарорлаштирадими, бундан қатъий назар, фоиз riskига жуда жиддийлик билан ёндашишади. Тижорат банклари янада сифатли маълумотлар ёрдамида ўз фоиз riskи мониторингни кучайтириш орқали тебранишларга тайёргарлик кўришни икки баробарга оширишлари керак. Шиддат билан ривожланаётган молиявий экотизимда бунга эришиш учун тижорат банклари тинимсиз назорат қилувчилар, “қочувчи” омонатчилар ва талабчан инвесторлардан ўзларини четга олиб, кўпроқ макроиқтисодий ўзгаришлар томонига бурилишлари ва технологик силжишлар - “сакрашлар” билан ҳамқадам бўлишлари керак [2].

20-Yanvar, 2026-yil

АҚШ нинг “Associated Bank” консалтинг компанияси ўзининг расмий вебсайтида тижорат банкларида фоиз рискинни бошқаришга ёрдамлашиш учун бир қатор консалтинг хизматларини таклиф этишини кўрсатиб ўтган бўлиб, қуйидаги 1-расмда ушбу хизматларнинг энг асосийлари ўз ифодасини топган.

Тижорат банкининг фоиз рискига дучор бўлиш даражасини аниқлаш	Фоиз ставкалари йўналишидаги бозор ўзгаришларини шаҳрлаш	Тижорат банкларининг кредит, депозит ва фоиз ставкасини хеджерлаш маҳсулотларини ўз ичига олган тўлиқ хизматлари тўпламидан фойдаланиш
• Бунинг учун компания экспертлари томонидан тижорат банкининг молиявий ҳолати, шу жумладан қарз маблағлари тузилмаси, пул оқимлари ва фоиз ставкаси ўзгаришларига нисбатан сезгирлиги тўлиқ таҳлил қилинади; • Бундай таҳлил экспертларга потенциал риск соҳаларини ва оптималлаштириш имкониятларини аниқлашга ёрдам беради.	• Компания экспертлари фоиз ставкаларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган энг сўнгги иқтисодий кўрсаткичлар, бозорнинг ривожланиш тенденциялари ва сиёсатдаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларга доимо эга бўлишади; • Улар тижорат банкларига қимматли ахборот ва тавсияларни тақдим этишиб, булар ёрдамида банклар ўз молиявий стратегиялари тўғрисида асосланган қарорларни қабул қилишади.	• Компания экспертлари тижорат банкининг ўзига хос эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган ва уларни қондиришга қаратилган молиявий ечимлар комплексини тақдим этади; • Компания экспертлари тижорат банки учун қатъий белгиланган ставкадаги кредитлар ва фоиз ставкаси свопларидан тортиб алоҳида хеджерлаш стратегияларигача ишлаб чиқишда алоҳида ёндашувга эга бўлишиб, бунинг натижасида тижорат банкининг фоиз

1-расм. Тижорат банкларида фоиз рискинни бошқариш бўйича консалтинг хизматлари [3]

Умуман олганда, АҚШ мисолида тижорат банкларида фоиз рискинни бошқаришга бўлган назарий-амалий ёндашувлар борасида чексиз фикр юритиш мумкин бўлиб, бундай фикрларнинг асосини ташкил қиладиган замонавий манбаларни синчиклаб ўрганиш, таҳлил қилиш ва улардан керакли хулосаларни чиқариб олиш ниҳоят даражада муҳим аҳамият касб этади. Айнан мана шундай ёндашув бугунги кунда мамлакатимиз тижорат банкларида фоиз рискинни бошқариш амалиётини ривожлантириш учун зарур бўлиб, бу банклар операцион самарадорлигининг ошиши, капиталлашув даражасининг ўсиши ва рақобатбардош позициясининг мустаҳкамланишига муҳим туртки бўлиши мумкин.

20-Yanvar, 2026-yil

АДАБИЁТЛАР:

1. Interest Rate Risk (online). Federal Deposit Insurance Corporation (FDIC). URL: <https://www.fdic.gov/capital-markets/interest-rate-risk> (Last Updated: July 24, 2024).

2. John Stephens. Interest Rate Risk Management in Today’s Economy (online). Workiva. Available from: <https://www.workiva.com/blog/interest-rate-risk-management-in-banks> (Published: November 29, 2023).

3. What is interest rate risk? (online). Associated Bank. Available from: <https://www.associatedbank.com/education/articles/business-insights/market-and-economy/interest-rate-risk> (Published: April 25, 2024).

